

Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги

6 -сонли ШАРТНОМА

“ 14 ” 01 2022 йил

Кўнғирот тумани

Кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталувчи “Тахياتош нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти Кўнғирот филиали номидан ишончнома асосида фаолият юритувчи раҳбар Е.Салиев бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи Шоангай ҳақиқиёт номидан устав асосида иш юритувчи раҳбар А. Ҳалимов иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Томонлар ўзаро келишилган ҳолда маълум давр (ойлик, чораклик ёки йиллик давр) учун етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотлари турлари, ассортиментлари ва миқдорларини ушбу шартноманинг қўйидаги спецификация орқали белгилаб оладилар.

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТПШ	Ўлчов бирлиги	Нархи	Йиллик миқдор	Суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича			
						I	II	III	IV
Автобензин	Аи-80	тонна	6500	3076	19994000	19994000			
<b>Жами:</b>									

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Етказиб берувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

**2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ**

2.1. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС ҳисобланган ҳолда 19994000 ( оқ тўғуз миллиард тоғуз юз тоқсон тоғуз миң тўрт юз ) сўм тийинни ташкил қилади. Шу жумладан сум тийинни ташкил қилади

2.2. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Етказиб берувчи» томонидан нефт маҳсулотларини нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари ҳамда сотиш бўйича нефт база устамасидан шаклланади. «Етказиб берувчи» нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олинган нефт маҳсулотларининг нархи белгиланган тартибда ўзгарган тақдирда янги шаклланган нархлар қўлланилади ва ушбу янги нархларга боғлиқ шартноманинг қиймати ва ҳажми ўзгариши мумкин.

2.3. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган заҳоти етказиб берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.4. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Етказиб берувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ**

3.1. Нефт маҳсулотлари «Етказиб берувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган

муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда етказиб берилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг махсус автотранпортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи»томонидан барча ёнги ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефть маҳсулотлари омборига нефть маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарт талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг қўйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Етказиб берувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи»нинг автотранпортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Етказиб берувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда таъминланади.

3.5. Нефть маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 1 кун ичида етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефть маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Етказиб берувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

#### **4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Нефть маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар «Етказиб берувчи»нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг ҳудудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефть маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефть маҳсулотларига зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

4.4.

#### **5. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ**

5.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефть маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефть маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефть маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Етказиб берувчи» нефть маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефть маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортик бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. «Етказиб берувчи» нефть маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда «Истеъмолчи»га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефть маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнги ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» етказиб берилган нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.7.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қургўқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«Тахиатош нефт базаси» МЧЖ Қўнғирот филиали

Манзили: Қўнғирот тумани Промзона

х/р: 2260 4000 4042 6871 2701,

Банк: ЎзСаноатқурилишбанк Тошкент ш.

Яшнобод филиали

ИНН: 204 592 009, МФО: 00432,

тел: \_\_\_\_\_

Раҳбар: \_\_\_\_\_ Е.Салиев

ИИН: Брлан \_\_\_\_\_ 516655823

Ҳисобхона: \_\_\_\_\_

Ички сотиш бўлими: \_\_\_\_\_

### «ИСТЕЪМОЛЧИ»

Қоҳилмаъ Миралиев  
Ҳ. Анваров № 26

ИИН 200395645

Рақ 23817000300100001010

Миралиев Банки г.Тошкент

Бирра 2014

ИИН 10002286035243011204018001



Боран

Ҳасан Боран Боран Боран Боран